

СУВСИЗ ОЛАМ: ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ОХИРГИ ТОМЧИСИ

Толибова Фотима

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети

Халқаро Журналистика факультети Ахборот хизмати ва жамоатчилик
билан алоқалар йўналиши 1 курс талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола дунёда ва хусусан, Ўзбекистонда юзага келаётган сув танқислиги муаммоси, унинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида фикр юритади. Иқлим ўзгариши, аҳолининг кўпайиши, эски сугориш тизимлари ва Орол денгизнинг қуриши каби омиллар сув етишмовчилигига олиб келаётгани таҳлил қилинади. Сув танқислиги фақат экологик эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга ҳам сабаб бўлаётгани, масалан, ҳосилдорликнинг камайиши, озиқ-овқат нархларининг ошиши ва миграция кучайиши каби ҳолатлар мисоллар орқали кўрсатиб ўтилади. Шу билан бирга, мақолада муаммони ҳал этиш йўллари — томчилатиб сугориш, рақамли технологиялар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва аҳоли орасида тарғибот ишларининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилади.

Калим сўзлар: сув танқислиги, иқлим ўзгариши, Орол денгизи, сугориш тизими, экологик муаммо, ижтимоий оқибатлар, иқтисодий таъсир, миграция, сувни тежаш, сув сиёсати, томчилатиб сугориш, Ўзбекистон, сув ресурслари

ABSTRACT

This article discusses the issue of water scarcity emerging both globally and in Uzbekistan, analyzing its causes and consequences. Factors such as climate change, population growth, outdated irrigation systems, and the drying up of the Aral Sea are identified as key contributors to water shortages. It is emphasized that water scarcity is not only an environmental issue but also leads to economic and social problems, such as reduced agricultural productivity, rising food prices, and increased migration, which are illustrated with examples. The article also explores potential solutions to the problem, including drip irrigation, digital technologies, legislative reforms, and the importance of awareness campaigns among the population.

Keywords: water scarcity, climate change, Aral Sea, irrigation system, environmental problem, social consequences, economic impact, migration, water conservation, water policy, drip irrigation, Uzbekistan, water resources.

КИРИШ

Сувсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Бу шунчаки ибора эмас, балки ҳаёт ҳақиқатидир. Инсон танасининг катта қисми, табиатдаги ҳар бир жонзот, ҳар бир ўсимлик сувга муҳтож. Сув — ҳаётнинг нафаси, унинг оқими бор жойда тириклик, ўсиш ва тараққиёт бор. Аммо бугунги кунда дунёда миллионлаб одамлар сув етишмовчилиги муаммоси билан юзма-юз келмоқда. Бу муаммо фақат бир мамлакат ёки бир қитъа билан чекланиб қолмаяпти — у глобал таҳдидга айланди. Шу нуқтаи назардан сув етишмовчилиги нафақат экологик, балки ижтимоий ва иқтисодий муаммо сифатида ҳам ўрганилиши зарур. Сув етишмовчилигининг бир қатор омиллари мавжуд. Биринчидан, иқлим ўзгариши бу борада муҳим роль ўйнайди. Глобал иссиқлик туфайли Марказий Осиёда ёмғир миқдори камаймоқда, музликлар эрияпти ва дарёлар оқими қисқармоқда. Масалан, Амударёнинг сув ҳажми сўнгги 30 йилда сезиларли даражада камайган. Иккинчидан, аҳоли ўсиши ва шаҳарларнинг кенгайиши сувга бўлган талабни оширмоқда. Ўзбекистон аҳолиси 38 миллионга яқинлашди, бу эса аҳолининг ичимлик суви билан таъминотли бўлиши учун қўшимча ресурслар талаб қилмоқда. Учинчидан, сувдан мақсадсиз ёки меъёридан ортиқ фойдаланиш муаммони янада кучайтирмоқда. Қишлоқ хўжалигида эски ирригация тизимлари қўлланилади, бу эса сувнинг 40–50% га яқинининг исроф бўлишига олиб келади. Айниқса, Орол денгизининг қуриши сув етишмовчилигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. XX асрда Амударё ва Сирдарё сувларининг катта қисми пахта экинлари учун йўналтирилди, натижада Орол денгизи 90% га қуриди. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сув ресурсларини тақсимлаш бўйича келишмовчиликлар муаммони янада мураккаблаштирмоқда.

Сув етишмовчилиги Ўзбекистонда экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлар камаймоқда, бу эса ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Масалан, 2022 йилда айрим минтақаларда сув танқислиги туфайли пахта ва буғдой ҳосили 20% га камайди. Ичимлик суви таъминоти ҳам жиддий муаммо. Хусусан, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтож. Орол денгизининг қуриши эса экологик фалокатга айланди. Шўр чанг бўронлари нафас олиш касалликларини кучайишига сабаб бўлди. Мисол учун маҳаллий тилда «оқ бўрон» деб аталган ушбу чанг бўронлари Нукус ва Мўйноқда 1990-йил кўрсаткичларига қараганда икки бараварга кўпайган. Бу чанг, туз ва зарарли моддалар нафас олиш йўллари, хусусан, бронхиал астма,

ўпка инфекцияларини кучайишига олиб келди. Натижада, Мўйноқда болалар орасида астма билан касалланиш даражаси 20% га ошган.

Ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ҳам жиддий. Сув танқислиги фермерлар даромадини камайтирмоқда, бу эса ишсизлик ва миграцияга олиб келади. Хоразм ва Қорақалпоғистонда фермерлар етарли сувсиз пахта ва шоли ҳосилини кам йиғишти, бу уларнинг даромадини 20-30% га пасайтирди. Натижада, кўп оилалар ишсизлик туфайли Тошкент ёки хорижга (масалан, Россияга) иш излаб кўчиб кетди. Озиқ-овқат нархларининг ошиши эса аҳолининг кам таъминотланган қатламларига зарар етказмоқда. Фарғона вилоятида 2023-2024 йилларда сув танқислиги сабабли сабзавот (масалан, помидор ва картошка) ҳосили 30% га камайди. Бу маҳаллий бозорларда ушбу маҳсулотлар нархининг 40-50% га ошишига олиб келди. Мисол учун, Фарғона бозорида картошка нархи 2022 йилда 1 кг учун 5,000-6,000 сўм бўлса, 2024 йилда 8,000-10,000 сўмга чикди. Бу кам таъминланган оилалар учун озиқ-овқат харидини қийинлаштирди. Ушбу глобал муаммони бартараф этиш учун бизга комплекс чоралар керак. Ўзбекистон бу борада муҳим қадамлар ташламоқда, аммо яна кўп иш қилиш лозим. Мамлакатимизда томчилатиб суғориш тизимлари сув сарфини 50% га қисқартириши мумкин. Масалан, Фарғона вилоятида томчилатиб суғориш лойиҳалари сабаб фермерлар 30% кўпроқ ҳосил олмоқда. Бундан ташқари, рақамли технологиялар сув тақсимотини аниқ назорат қилиш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистонда “Сув хўжалиги тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилиб, сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сув ҳисоблагичларини ўрнатиш ва исрофгарлик учун жарималар муаммони қисман ҳал қилмоқда. Мактабларда ва оммавий ахборот воситалари орқали сувни тежаш бўйича маърифат ишлари олиб борилмоқда. “Сув – умумий бойлигимиз, уни асраш ҳар бир фуқаронинг бурчидир” каби чақириқлар фуқароларни сувдан оқилона фойдаланишига даъват этмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, сув етишмовчилиги – фақат экологик эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий муаммо. Ўзбекистонда бу муаммони енгиш учун замонавий технологиялар ва аҳолининг фаол иштирокисиз илож йўқ. Орол денгизи фожиаси бизга сувнинг қадрини ўргатди, энди уни асраш ва оқилона бошқариш вақти келди. Ҳар бир томчи сувни тежаш – бу келажагимиз учун қўйилган хиштдир. Сувни асрайлик, чунки у – ҳаётдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Micklin, P. (2010). The past, present, and future of the Aral Sea. Central Asian Survey, 29(4), 405–422.
2. United Nations Development Programme (UNDP). (2020). Water Scarcity and Management in Central Asia: Challenges and Opportunities. New York: UNDP.
3. Abdullaev, I., & Rakhmatullaev, S. (2015). Transformation of water management in Central Asia: From traditional to modern approaches. Water International, 40(7), 912–927
4. Food and Agriculture Organization (FAO). (2018). Drip Irrigation Systems for Sustainable Agriculture in Uzbekistan. Rome: FAO.
5. World Bank. (2022). Climate Change and Water Resources in Uzbekistan: Policy and Practice. Washington, DC: World Bank.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-733-сонли Қонуни
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6074-сон Фармони
8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан”ги 517-сон қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг “Сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси 2020–2030”